

ЯНГИ ИННОВАЦИОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ МУСИҚА ТАЪЛИМИГА ЖОРӢ ЙТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Алижон Эргашев

Фарғона давлат университети вокал ва ҷолғу ижроҷилиги кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7139760>

Аннотация. Уибӯ мақолада ҳозирги кунда мусиқа таълимига янги инновацион технологияларни жорӣ йтишнинг долзарблиги ҳақида сӯз юритилиб, бу масала бўйича фикрлар, амалий вазифалар баён этилган.

Калим сўзлар: информатика, ахборот, мусиқа таълими, мусиқа ноталларини ёзии, дастур, жамиятни ахборотлаширии.

ВАЖНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ НОВЫХ ИННОВАЦИОННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МУЗЫКАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Аннотация. В данной статье говорится об актуальности внедрения новых инновационных технологий в музыкальное образование, представлены идеи и практические задачи по этому вопросу.

Ключевые слова: информатика, информация, музыкальное образование, нотное письмо, программа, общественная информация.

THE IMPORTANCE OF INTRODUCING NEW INNOVATIVE INFORMATION TECHNOLOGIES IN MUSIC EDUCATION

Abstract. This article talks about the relevance of introducing new innovative technologies in music education, presents ideas and practical tasks on this issue.

Keywords: informatics, information, music education, musical notation, program, public information.

КИРИШ

Информатика воситалари жамиятимизнинг барча жабҳаларига тобора кириб бораётгани, ахборотни тез ва сифатли қайта ишлаш малакаси ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг турмуш талабига айланишини кўрсатиб бермоқда. Ахборотнинг қимматбаҳо товарга айланиб бораётгани, информатика фанининг нуфузи ва аҳамияти ўсиб бораётганидан далолатдир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ахборот жамиятни ривожлантирувчи ва унинг тараққиётига асос бўлувчи муҳим восита ҳисобланади. Ахборот жамият тараққиётида энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлса, жамиятни компьютерлаш-тириш эса иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан қайта қуришда асосий ҳаракатлантирувчи кучdir.

Жамиятни ахборотлашириш атамаси – Д.Бенк ва Й.Масудолар томонидан илк бор қўлланилган бўлиб, бугунги кунда зиддиятлардан холи бўлган, электроника, компьютер, информатика билан уйгуналашиб кетган жамият маъносини англатади. Кенгроқ маънода эса ахборотлашган жамиятда жамиятнинг ахборотлашуви – ижтимоий тараққитётнинг асосий қонунларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларига интеллектуал меҳнат қурули сифатида компьютерлаширилган тизимлар ва бошқа ахборот технологияларининг кириб келишини англатади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шундай қилиб, “Жамиятни ахборотлаштириш”ни “Жамиятни компьютерлаштирилиши”га нисбатан кенгроқ маңнода тушуnilади.

ХХ асрда фан ва техниканинг ривожланиши натижасида инсон меңнатини енгиллаштирувчи, меңнат унумдорлигини оширувчи ва жуда күп қулайликлар берувчи техник воситалар ишлаб чиқарылди. Улар қаторига телефондан бошлаб телевизоргача, калькулятордан бошлаб замонавий компьютерларгача, автомобильдан бошлаб самолётгача бўлган воситаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга, бу воситаларни инсон фаолиятининг турли соҳаларида унумли фойдаланиш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар юзага келди.

Бугунги кунда мусиқа таълими жараёнига янги инновацион техноло-гияларни таълим жараёнига жорий этиш долзарб вазифалардан биридир.

Республикамизда мусиқа педагогикаси фанини ривожлантиришда инновацион технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг долзарб-лиги юқори малакали, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш борасидаги вазифалар билан белгиланади. Бу йўналишда бўлажак таълим берувчи кадрларнинг юксак мањнавий-аҳлоқий сифатларга эга бўлишлари, янги инновацион технологиялардан оқилона фойдалана олишлари алоҳида аҳамиятта эга. Ёшларда шундай ижобий сифатларни тарбиялшда мусиқа санъати энг самарали воситалардан бири бўлмоғи лозим.

Мусиқий таълимда Давлат стандартлари илғор мамлакатлар андозасига мос тарзда таълим олувчиларнинг эгаллашлари керак бўлган билим, малака ва кўнималари даражасини белгилаб беради.

Дарсда илғор технологияларни қўллаш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, замонавий услуг ва методлардан фойдаланиш таълим сифатини кўтаришга хизмат қиласди.

Барча фанлар қатори мусиқа фани бўйича таълим ва тарбия борасида янги замонавий талабларга мос ва ҳос бўлган барча илғор тажриба ва янгиликлардан оқилона фойдаланиш мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни мазмун ва сифатини кўтаришга хизмат қиласди.

Умумтаълим мактабларида “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари”, “Ахборот технологиялари”, “Информатика” фанлари ўқувчи ва талабаларнинг компьютер саводхонлигига қўйилган умумий талабларни бажаришга, қондиришга қаратилган. Ҳозирги кунда компьютерда мусиқа ёзиш, компьютерда мусиқа ноталарини ёзиш, компьютерда аранжировка қилиш, овоз устида ишлаш дастурлари яратилган. Компьютерда ноталарсиз мусиқа ёзиш, компьютерда мусиқа ноталарини ёзиш, компьютерда аранжировка қилиш, овоз устида ишлаш, яратилган мусиқа асарлари ва уларнинг ноталарини чоп этиш дастурларини ўрганиш, уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш долзарб масала боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бугун Республикаизда мусиқа педагогикаси фанини ривожлантиришнинг долзарблиги “Таълим ҳақида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” хужжатларида кўрсатилган юқори малакали, замон талабларига мос кадрлар таёrlаш борасидаги вазифалар билан белгиланади.

Бу йўналишда бўлажак ўқитувчи кадрларнинг ва айниқса ўқувчи ёшларнинг юксак мањнавий-аҳлоқий сифатларга эга бўлишлари алоҳида аҳамиятта эга. Ёшларда шундай

ижобий сифатларни тарбиялышда мусиқа санъати энг самарали воситалардан бири бўлмоғи лозим.

Мусиқий таълимда Давлат стандартлари илғор мамлакатлар андозасига мос тарзда ўқувчиларнинг эгаллашлари керак бўлган билим, малака ва қўникмалари даражасини белгилаб беради.

Дарсда илғор технологияларни қўллаш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, замонавий услугуб ва методлардан фойдаланиш таълим сифатини кўтаришга хизмат қиласди.

Барча фанлар қатори мусиқа фани бўйича таълим ва тарбия борасида янги замонавий талабларга мос ва ҳос бўлган барча илғор тажриба ва янгиликлардан оқилона фойдаланиш мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни мазмун ва сифатини кўтаришга хизмат қиласди.

Компьютерда мусиқа ёзиш учун яратилган дастурлар кўп. Мусиқа ноталарини ёзиш, мусиқани аранжировка қилиш, транспозиция қилиш ва жуда кўплаб имкониятларга эга бўлган дастурлар бор. Уларнинг ҳар бирини ўзлаштириш учун вақт, талааб даражасидаги мусиқий назарий билим, амалий қўникма ва малакаларга эга бўлиш талааб этилади.

Компьютерда мусиқа ёзиш дастурларидан мусиқа таълими тизимининг ҳамма босқичларида (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, педагогика коллежларида, олий таълим босқичида, олий таълимдан кейинги таълимда, малака ошириш институтларида) фойдаланиш мумкин. Айниқса мусиқа таълими йўналишидаги фанларни (жамоа қўшиқчилиги ва амалиёти, хор дирижёрлиги, хонандалик, маҳсус чолғу, қўшимча чолғу, болалар асарлари устида ишлаш амалиёти, мусиқа адабиёти, мактабда мусиқа ўқитиш услубиёти, болалар боғчасида мусиқа таълими услубиёти, сольфеджио, мусиқанинг элементар назарияси, гармония) ўқитишида таълим самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади деб ўйлайман. Бу жараёнда “кўраяпман, эшитаяпман, ижро этяпман” тамойили тўла тўқис амалга оширилган бўлади. Бу жараёнда таълим олувчининг ўқувчининг мусиқий қобилиятлари ҳар томонлама ривожланади. Бунда таълим олувчининг кўргазмали, мазмунли мусиқий фикрлаш, эшитиб таҳлил қилиш, дарсдан сўнг компьютер жўрнавозлиги билан ансамблъ бўлиб ижро этиш қобилиятлари, хотираси, қўникма ва малакалари ривожланади.

МУХОКАМА

Компьютерда мусиқа ёзиш дастурларидан дарс жараёнида таълим берувчилар, таълим олувчилар фойдаланибгина қолмай, дарсдан кейинги ўз устида ишлаш жараёнида, ижрочилик маҳораларини оширишда, ижод намуналарини яратишда ва улардан амалиётда фойдаланишлари мумкин. Ўзлари яратган асарларни ёзиб, эшитиб қўриб, асарларнинг ифодалилиги, жозибалилиги устида ижодий изланишлар олиб боришдек имкониятларга эга бўладилар. Яратилган ҳамма дастурларни ўзлаштиришнинг кераги ва иложи йўқ, чунки уларни ўзлаштириш кўп вақтни талаб этади. Амалиётда қайси дастур қулай бўлса ўша дастурдан фойдаланган маъқул деб ўйлайман.

Мусиқа ноталари мухаррири дастури ёрдамида мусиқа таълимига оид барча фанлардан нотали ва овозли тестлар яратиш мумкин. Бу кўргазмали ва овозли тестлар таълим олувчиларнинг билимини, эшитиш ва таҳлил қилиш каби қобилиятларини ва малакаларини баҳолаш сифатини оширади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінкі, янги инновацион технология-лардан мусықа таълими жараёнида фойдаланиш, мусықа таълимида нота мухаррири дастурида ишлаш бўйича тўпланган илмий-амалий натижаларни ўқув-услубий қўлланма сифатида оммалаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

REFERENCES

1. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 8-синф.
2. Тошкент. 3-бет. 2006 йил.
3. Х.Н.Нурматов. Мусиқанинг долзарб назарий муаммолари. Тошкент-2002. 2-бет.
4. А.А.Эргашев. Finale 2003 дастурида мусықа ноталарини ёзиш. Х.Н.Нурматов. Тошкент-2002. 2-бет.
5. В.Е.Васильев, А.В.Морозов. Компьютерная графика. Санкт-Петербург. 2005
6. А.Ю.Дёмин. Основы компьютерной графики. Издательство Томского политехнического университета. 2011.
7. Ш.А.Гафурова. Основы работы с нотным редактором “ENCORE” 4.0 Тошкент. 2003.